

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН РАҲБАРЛАРИ
ОНЛАЙН-САММИТ ЎТКАЗДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь кuni Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан видеоконференция шаклида учрашув ўтказди.

Саммит кун тартибидан сиёсий мулоқотни янада кенгайтириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалалари ўрин олди. Шунингдек, жаҳондаги вазият ҳамда минтақавий ҳамкорлик истиқболи юзасидан фикр алмашилди.

Икки мамлакат етакчилари бир-бирларини қутлар экан, ушбу онлайнтadbир Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилганининг далили, пандемия оқибатларини самарали енгиб ўтиш учун маслаҳатлашиб олиш ва биргаликда янги ўсиш нуқталарини белгилаб олиш учун имконият эканини таъкидлади.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар ва амалий саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги йилларда кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантиришда катта ютуқлар қўлга киритилгани, ушбу шериклик аниқ амалий мазмун билан бойигани мамнуният билан қайд этилди. Фаол алмашинувлар давом этмоқда. Жорий йилда Мувофиқлаштириш қўмитаси ва Ҳукуматлараро комиссиянинг



қўшма йиғилишлари, сиёсий маслаҳатлашувлар ҳамда "Марказий Осиё — Ҳиндистон" мулоқотининг иккинчи учрашуви муваффақиятли ўтказилди. Ўзаро савдо ҳажми ортиб бормоқда. Глобал инқирозга қарамай, шу йил бошидан товар айирбошлаш етти фоизга кўпайди. Инвестициялар, инновациялар, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа устувор йўналишларда муҳим лойиҳалар, дастурлар амалга оширилмоқда. Кейинги бир неча йилнинг ўзида қўшма корхоналар сони кўпайди, Тошкент ва Андижон шаҳарларида

Ҳиндистоннинг етакчи Амита ва Шарда университетлари филиаллари очилди. Мамлакатларимиз ёндашувлари яқин, улар халқаро ва минтақавий бирлашмалар, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бош вазир Нарендра Моди давлатимиз раҳбарини Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани билан самимий табриклаб, ушбу ютуқ мамлакатимизда амалга оширилаётган

демократик янгиланишларнинг халқаро эътирофи эканини таъкидлади. Музокаралар чоғида давлат етакчилари сиёсий соҳада тизимли, ишончга асосланган мулоқотни давом эттириш, жумладан, икки мамлакат ташқи сиёсат идораларининг мунтазам маслаҳатлашувларини ўтказиш ва улар ўртасидаги ҳамкорлиқнинг ўрта муددатли дастурини қабул қилиш муҳимлигини қайд этидилар. Парламентлараро ҳамкорлиқни фаоллаштириш таклифи илгари сурилди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ЕОИИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь кuni Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг видеоконференция шаклидаги йиғилишида иштирок этди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко раислигида ўтган тadbирда кенгашининг Фахрий Раиси, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Талнат Мамитов ва Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян иштирок этди. Бундан ташқари, учрашувда Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) ҳузуридаги кузатувчи давлат раҳбари сифатида Молдова Республикаси Президенти Игорь Додон ҳамда таклиф этилган Куба Республикаси Президенти Мигель Диас-Канель Бермудес қатнашди. Саммит кун тартибига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи давлат мақоми бериш масаласи кўриб чиқилди, шунингдек, бирлашма доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада ривожлантиришнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Ўзбекистоннинг кузатувчи мақоми олиш тўғрисидаги муносабатини қўллаб-қувватлагани учун самимий миннатдорлик билдириб, ЕОИИнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётгани, ташкилотнинг хорижий мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик географияси кенг эканини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бугунги муҳим боғида Ўзбекистон барча халқаро шериклар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни изчил кенгайтириб бориш, шу жумладан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан мулоқотни ривожлантириш тарафдори экани қайд этилди. Бу қўлидаги муҳим омиллар билан изоҳланади. ЕОИИ мамлакатлари, энг аввало, Ўзбекистоннинг асосий, табиий савдо шерикларидир. Кейинги йилларда юртимизнинг

ташкилот давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ортди. Мамлакатларимиз иқтисодиётлари кўп жиҳатдан бир-бирини тўлдириб туради, турли тармоқларда самарали кооперация ва мингдан ортқ қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилгани бундан далолатдир. Ўзбекистон ва ЕОИИга аъзо давлатларнинг транспорт коммуникациялари ва инфратузилмаси чуқур интеграциялашган ва ўзаро яқиндан боғланган. Бундан ташқари, кенг Евроосиё минтақаси доирасидаги ўзаро манфаатли муносабатларга меҳнат ресурсларининг юқори даражадаги мобиллиги ҳосилдир. Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз иқтисодиётларининг улкан салоҳиятидан тўлиқ ҳажмда фойдаланиш, савдо муносабатларидаги тўсиқ ва ғовларни биргаликда бартараф этиш, ўзаро саъй-ҳаракатлар билан янги бозорларни шакллантиришга қайиқди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН
ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН
ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь кuni Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон Президентини Тоғли Қорабоғда ҳарбий ҳаракатлар якунлангани билан самимий табриклаб, биродар мамлакатнинг дўст халқига тинчлик ва равақ тилади. Томонлар Жанубий Кавказнинг бутун ҳудудда хавфсизлик ва барқарорлик таъминланишига умид билдирди.

Суҳбатда кўп қиррали Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларининг бугунги ҳолати ва уларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Пандемия билан боғлиқ мушкул даврда мамлакатларимиз бир-бирини қўллаб-қувватлагани, бу эса икки давлат ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва стратегик ҳамкорлиқнинг наватдаги намоёни бўлгани катта мамнуният билан қайд этилди. Давлат раҳбарлари ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт ва логистика, туризм ва бошқа соҳаларда етакчи корхоналарнинг кооперациясини кенгайтиришга қаратилган қўшма дастур ва лойиҳаларни фаол илгари суриш

муҳимлигига алоҳида тўхталдилар. Томонлар ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувларни жадал давом эттиришга тайёр эканликларини тасдиқладилар. Суҳбат якунида Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентлари глобал ва минтақавий тузилмалар доирасидаги яқин мулоқотни қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги икки ва кўп томонлама тadbирлар режасини кўриб чиқдилар.

ЎА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН
ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ
МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

11 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркменистон етакчиси ва қардош туркман халқини ушбу мамлакат Бетарафлигининг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этиб, тинчлик, фаровонлик, тараққиёт ва равақ тилади. Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликка оид ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Президентлар Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани ва бугун улар жадал суръатда ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этидилар.

Савдо, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт ва транзит, ҳудудлараро ришталар ва гуманитар дастурлар каби муҳим соҳалардаги ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари белгиланди. Амалий ҳамкорлиқнинг янги шакллари йўлга қўйишга ҳамда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш борасида тadbирлар ўтказиш мақсадида қўшма тузилма ташкил этишга келишиб олинди. Олий даражада эришилган келишувларни сўзсиз рўёбга чиқаришда қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг самарали иши ва фаол идоралараро мулоқот

муҳим ўрин тутуши алоҳида таъкидланди. Давлат раҳбарлари жаҳондаги вазият юзасидан фикр алмашдилар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги анъанавий яқин мулоқотларни ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга келишиб олдилар. Президентлар минтақавий ҳамкорлик истиқболларига алоҳида тўхталдилар, шунингдек, бўлажак МДҲ саммитига тайёргарлиқни муҳокама қилдилар. Суҳбат ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВНИ
ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ЖОРИЙ ЭТИШНИ ЯНАДА ЖАДАЛ ТАШКИЛ ЭТИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги икки йилда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда суви тежайдиган технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги натижасида 2020 йилнинг ўзида қўшимча **133 минг гектар** майдонда суви тежайдиган технологиялар жорий этилди. Бирок тобора кучайиб бораётган сув тақчиллиги ҳамда сув ресурсларига бўлган эҳтиёж ўсиб бораётгани қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини кескин оширишни талаб этмоқда. Қишлоқ хўжалигида суви тежайдиган

технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларининг самарадорлигини ошириш, суғориладиган майдонлар сув билан барқарор таъминланишига эришиш мақсадида:

1. Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда **томчилатиб** ва **ёмғирлатиб** **суғориш тизимларини ҳамда ерни лазерли ускуна ёрдамида текислаган ҳолда дискретли суғориш усулини жорий қилиш суръатини беш**

баробарга ошириш, яъни 2021 йилда 230 минг гектар майдонда мазкур технологияларни жорий қилиш ҳамда суғориладиган 200 минг гектар майдонларни лазерли ускуна ёрдамида текислаш орқали сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифи маъқуллансин.

2. **2021 йилда суви тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичлар 1-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН РАҲБАРЛАРИ ОНЛАЙН-САММИТ ЎТКАЗДИЛАР

Бошланиши 1-бетда

Савдо-иқтисодий алоқаларда асосий мақсад сифатида яқин йилларда товар айир-бошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Ўзаро савдо ҳажми ортиши учун қўлай шароит яратиш, бу йўлдаги техник тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш борасида биргаликда ишлашга келишиб олинди.

Самарали транспорт йўлаклари ва логистика инфратузилмасини шакллантириш, авиақатновларни тиклаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, истиқболли инвестиция лойиҳаларини илгари суриш, жумладан, Ҳиндистоннинг етакчи ташкилотлари илгор технологиялари, техник кўмаги ва имтиёзли молиявий ресурсларини жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги, инновациялар, мўқобил энергетика, фармацевтика ва тиббиёт, ахборот-коммуникация технологиялари, космик тадқиқотлар устувор йўналишлар сифатида белгиланди.

Шавкат Мирзиёев ва Нарендра Модӣ, шунингдек, Андижон вилояти ва Гужарат штатининг муваффақиятли шериклиги мисолида ҳудудлараро алоқаларни кенгайтиришга келишиб олдилар.

Гуманитар соҳада томонлар таълим ва кадрлар тайёрлаш, кинематография, ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алмашинувларни ривожлантириш, миллий маданият ва тилни ўрганиш, тарихий мерос объектларини реставрация қилиш борасидаги қўшма дастурларни қўллаб-қувватлайдилар.

Юртимиз ҳудудларида “Аюрведа” ҳинд табobati анъанавий тизими ва телемедицинани жорий этган ҳолда замонавий тиббиёт марказларини ташкил этиш таклиф этилди. Ҳиндистон томони Ўзбекистон йога федерацияси фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган бўлди.

Саммит давомида хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган замонавий хатарларга қарши курашишнинг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди. Яқиндан мувофиқлашув ва ахборот алмашинувини давом эттириш муҳимлиги қайд этилди. Томонлар Афғонистондаги вазиятни тез

фурсатда тинч йўл билан тартибга солиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Учрашув якунида Президент Шавкат Мирзиёев Бош вазир Нарендра Модига келгуси йилда Ўзбекистонга расмий ташриф билан келишни яна бир бор таклиф этди.

Икки мамлакат етакчилари ҳар доимгидек очик, конструктив ва ўзаро ишонч руҳида ўтган ҳамда ҳамкорликда улкан салоҳият мавжудлигини кўрсатган онлайн-музокаралар натижаларидан гоътада мамнун эканиликларини билдирдилар.

Саммит якуни билан томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги яқин дўстлик ва мустақкам шериклик тўғрисида қўшма баёнот қабул қилдилар.

Бундан ташқари, учрашув доирасида иқтисодиёт, инновациялар, молиявий-техник кўмак, божхона иши ва савдонӣ техник тартибга солиш, кадрлар тайёрлаш ва қўшма илмий-тадқиқотлар ўтказишга доир қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕОИИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон саноат кооперациясини кенгайтириш, илгор тажриба ва инновацион ёндашувлар асосида қўшилган қиймат яратишнинг барқарор занжирларини шакллантиришдан манфаатдор экани таъкидланди. Транспорт ва транзит соҳасида ўзаро мувофиқлашган ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса транспорт йўлакларини янада фаол ишга солиш, уларнинг рақобатбардошлиги ва қувватини салмоқли даражада оширишга ёрдам беради.

Меҳнат миграцияси соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Бу аҳоли бандлиги билан боглиқ

қўллаб долзарб масалаларни ҳал қилиш ҳамда иштирокчи давлатлар иқтисодиётларининг малакали мутахассисларга тобора ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган барча омиллар мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан қўзғатувчи давлат мақомида ҳамкорлик қилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланиши учун асос бўлди.

Таъкидланганидек, бу амалий ва кўп қиррали муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга чиқиш, ташкилот доирасида рўй бераётган муҳим жараёнлари янада чуқур ва аниқ тушуниш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида бундай шериклиқни ривожлантириш мамлакатларимизнинг миллий манфаатларига жавоб бериши, тенг ҳуқуқлиқ, ўзаро фойда ва манфаатларни ҳисобга олиш принципларига асосланган бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг йиғилиши якунида ЕОИЙга аъзо мамлакатлар етакчилари Ўзбекистон Республикасига ташкилот хузуридаги қўзғатувчи давлат мақомини бериш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ЯНАДА ЖАДАЛ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда мазкур қарорга 1-илова билан тасдиқланган прогноз кўрсаткичларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари кесимида манзилли дастурлар ишлаб чиқиб, **2021 йил якунига қадар республика бўйича камида: 160 минг гектар пахта, 30 минг гектар мевали экинлар, 15 минг гектар узум ва 5 минг гектар бошқа экинлар етиштириладиган майдонларда томчилатиб сугориш;**

14 минг гектар донли экинлар, **2 минг гектар** сабзазот ва полиз ҳамда **2 минг гектар** озуқабол экинлар етиштириладиган майдонларда ёмғирлатиб сугориш;

600 гектар пахта етиштириладиган майдонларда дискретли сугориш технологияларини жорий қилишни таъминласин;

200 минг гектар экин майдонларида, шундан **43 минг гектар** шולי етиштириладиган майдонларда лазерли ускуна ёрдамида текислашни ташкил этсин;

б) республиканинг барча ҳудудларида сув тежовчи технологиялар бўйича хусусий ёки давлат-хусусий шериклик асосида сервис ва дилерлик марказларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

в) ўтган йилларда томчилатиб сугориш технологияси жорий қилинган майдонларда фойдаланилган бир йиллик томизгичли шлангларни утилизация қилиш мақсадида кичик корхоналар ва цехлар фаолиятини ташкил этиш учун шароитлар яратсин;

г) сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун жалб қилинган хорижий ва маҳаллий кредит маблағларини ўз вақтида қайтариш мақсадида уларнинг биринчи навбатда инфратузилма объектлари (электр энергияси) мавжуд бўлган ҳудудларда жорий этилишига эътибор қаратсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб сугориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4087-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган **сувни тежайдиган сугориш технологияларини жорий этишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳларининг** (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари) **сувни тежайдиган технологияларни жорий этишдаги роли ва масъулиятини кескин ошириш чораларини кўрсин.**

3. 2021 йилдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни **давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг куйидаги янги тартиби белгилансин:**

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига **сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисmini қоплаш** учун субсидиялар 2-иловага мувофиқ тақдим этилади;

сувни тежайдиган технологияларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган **банк кредитлари бўйича фоиғ харажатларининг бир қисmini қоплаш** учун 3-иловага мувофиқ субсидиялар тақдим этилади;

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига **сотиб олинган ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи** Давлат бюджетидан қоплаб берилади.

Мазкур бандда назарда тутилган субсидия маблағлари жорий қилинган **сувни тежайдиган технологиялар қамида беш йил ишлатилиши шарти билан ажратилади.**

Белгилансинки, сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган ер майдонлари **камида 5 йил мобайнида мақбуллаштирилмайди**, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган **зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади.**

4. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов, А.Э.Эргашев):

2021 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ мазкур қарорнинг 2-бандида кўрсатилган **тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;**

бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 575-сонли қарори асосида республика бюджетидан мақбуллаштирилган харажатлар йўналишларида кўрсатилган **пахта хомашёси етиштирувчиларининг томчилатиб сугоришнинг жорий этиш учун назарда тутилган 98,9 миллиард сўм миқдордаги маблағларнинг ажратилишини таъминласин;**

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) тижорат банклари билан биргаликда экин ерларини лазерли ускуна ёрдамида текислаш бўйича кўрсатиладиган механизация хизматлари учун Молия вазирлиги хузуридаги **Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жағғармасидан ажратиладиган пахта ва ғалла имтиёзли кредитлари ҳисобидан 250 миллиард сўм тўлаб берилишини таъминласин.**

5. 2021 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш учун тала қилинадиган **1,5 триллион сўм субсидия маблағларининг:**

330 миллиард сўмини — Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Давлат бюджетидан ажратилишини таъминласин;

1170 миллиард сўмини — Бош вазир ўринбосарлари Ж.А.Қўқоров ва С.Ў.Умурзаков, Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) бюджетни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларидан жалб қилинган қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш чораларини кўрсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.У.Умурзаков, Ш.А.Вафоев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) халқаро молия институтлари ва хорижий молия ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар доирасида сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига (кластерлар, кооперациялар) **тижорат банклари орқали 200 миллион долларгача кредит линияларини очсин.**

7. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) икки ой муддатда Инновацион ривожланиш вазирлигига (И.Ю.Абдурахмонов) худудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ҳамда сув билан таъминланганлик ҳолатларини инобатга олиб, **сувни тежайдиган технологияларни қўллаш самарадорлиги бўйича долзарб муаммоларнинг илмий ёчимига қаратилган илмий-инновацион лойиҳаларни шакллантириб**, танлов эълон қилиш учун таклифлар киритсин.

8. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев, В.М.Ахмаджонов):

бир ой муддатда республикамызда ва бошқа давлатларда ишончли фаолият олиб бораётган томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш тизимларини ишлаб чиқарувчи ҳамда қурувчи чет эл ва маҳаллий корхоналар рўйхатини шакллантирсин ҳамда мазкур тизимларни жорий қилиш истагиде бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига етказсин;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ш.Ж.Тешаев) билан биргаликда тегишли мутахассисларни жалб қилиб, 2021 йил 1 февралга қадар республиканинг тупроқ-иқлим, сув билан таъминланганлик ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда асосий экин турлари бўйича сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишнинг **услубий қўлланмаларини ишлаб чиқсин;**

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ш.Ж.Тешаев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (А.С.Назаров) ҳамда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (А.Б.Ўразғандиев) билан биргаликда **икки ой муддатда худудларнинг тупроқ-иқлим шароитини ҳамда сугориш усулларини инобатга оладиган, қишлоқ хўжалиги экинларини сугориш меъёрлари бўйича вақтинчалик нормативларни ишлаб чиқиб тасдиқласин.**

9. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) Молия вазирлиги (А.Э.Эргашев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (К.А.Юлдашев), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (У.М.Мустафоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиқлари билан биргаликда:

2021 йил 1 апрелга қадар ҳар бир ҳудудда Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги **биттадан насос станциясида** сарфланаётган электр энергияси ва чиқарилаётган сув ҳажмини замонавий ахборот технологияларини жорий қилган ҳолда, **инсон аралашувисиз, онлайн тартибда шаффоф мониторинг юритиш тизимини** синов тарикасида жорий қилсин;

2021 йил 1 декабрга қадар Сув хўжалиги вазирлигининг мавжуд **1 688 та насос станциясида** электр энергиясининг сарфи ҳамда чиқарилган сув ҳажми ҳисобини юритувчи республика бўйича **ягона электрон ахборот тизимининг** ишга туширилишини таъминласин.

Бунда, мансублик чегарасидаги электр энергияси ҳисоблагичларини Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига мос ҳисоблагичларга алмаштирилиши ва сарфланаётган электр энергияси ахборотининг таъминланиши бўйича “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси У.М.Мустафоев, истезъмолчи балансида бўлган электр энергияси ҳисоблагичлари ҳамда сув ҳажми ҳисобини юритувчи ускуналар ўрнатилиши ва ахборот билан таъминланиши бўйича сув хўжалиги вазири Ш.Р.Хамраевнинг **шахсан масъуллиги белгилаб қўйилсин.**

Молия вазирлиги мазкур банднинг учинчи хатбошида кўрсатилган тадбирларни Сув хўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китобларига асосан Давлат бюджети, халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг грантларини жалб қилиш ҳисобидан молиялаштириши белгилансин.

10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К.Абдиназаров) Инновацион ривожланиш вазирлиги (А.С.Назаров) ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги (В.М.Ахмаджонов) билан биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар илгор хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, **Ўзбекистонда сувни тежайдиган технологияларни қўллаш самарадорлигини ўрганиб, худудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ҳамда сув билан таъминланганлик ҳолатларини инобатга олган ҳолда зарур тавсиялар ишлаб чиқсин** ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Илгор хорижий мутахассисларни жалб қилиш билан боглиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамаси захира жағғармасидан қоплансин.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К.Абдиназаров), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), “Ўзстандарт” агентлиги (Д.Н.Саттаров) ва “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (М.Н.Юнусов) сувни тежайдиган сугориш тизимларининг бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқиш соҳасида саноат тармоқлари ўртасидаги ўзаро кооперацияни кенгайтириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш, маҳаллий ва хорижий технологиялар асосида **намунавий типдаги республика табиий-иқлим шароитига мос келувчи сув тежовчи технологияларнинг стандартларини ишлаб чиқсин.**

12. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), Молия вазирлиги (А.Э.Эргашев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари томонидан сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишда Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилган **ҳар бир лойиҳа камида беш йил муддатда самарали фойдаланилиши** бўйича жавобгарлик белгилаш изосидан қонунчиликка тегишли ўзгартришлар киритишни назарда тутувчи ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилган ҳолда жорий қилинган сувни тежайдиган технологиялардан белгиланган тартибда ва муддатларда фойдаланилмаганда ажратилган субсидия маблағларини қайтариб олиш ҳамда қўлланилган солиқ имтиёзларини бекор қилишни;

жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилишни, жумладан, давлат томонидан субсидия ажратилган ҳолда татбиқ этилган сувни тежайдиган технологиялардан ўрнатилган тартибда фойдаланмаслик ҳолатлари тўғрисидаги фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахсларни қайтариб олинган субсидия маблағларининг беш фоизгача миқдоридеги пул мукофоти билан рағбатлантиришни назарда тутсин.

13. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) Олий ва ўрта махусз таълим вазирлиги (М.М.Холпухамедов) ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги (Ш.У.Турдикулова) билан биргаликда Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидеги профессионал таълим муассасаларида **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва фойдаланиш бўйича мутахассислар (консультант) тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимининг жорий этилишини таъминласин.**

Бунда, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва фойдаланиш бўйича мутахассислар (консультант) тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш харажатлари Сув хўжалиги вазирлиги ва бюроратчиларнинг маблағлари ҳамда донор мамлакатларнинг грантлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

14. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р.Сариев, С.Ж. Хўжаметов), Хоразм (Ф.Ў.Эрманов, О.Б.Юсупов), Бухоро (Ф.Б.Умаров, С.Н.Хикматов), Жиззах (Э.А.Салиев, О.Ш.Ашурматов) ва Сирдарё (Ғ.Ғ.Мирзаев, К.Э.Сабиоров) вилоятлари ҳо-

кимликлари билан биргаликда илмий-тадқиқот институтларини жалб қилган ҳолда, **2021 йил 1 февралга қадар қишлоқ хўжалиги экинларни етиштиришда шўр ювишнинг мутлақо янги тизимини жорий қилиш бўйича тегишли қарор лойиҳасини киритсин.** Бунда:

шўр ювишда сув сарфини кескин камайтириш, иккиламчи шўрланиш даражасини пасайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар;

томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш тизимларини жорий этилган майдонларда шўр ювишнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда аниқ таклифлар;

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш усуллари” ва “Шўр ювиш технологиялари” бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди яратилиши ҳамда тегишли таълим йўналишларида ўқув режаларига киритилиши инобатга олинсин.

15. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.У.Умурзаков) Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А.Хайитов) билан биргаликда 2021 йилда халқаро ташкилотлар грантларини жалб қилиб, **ҳар бир ҳудудда лазерли ускуна ёрдамида экин майдонларини текислаш ҳисобига сув сарфини камайтириш бўйича биттадан намунавий лойиҳани амалга оширсин.**

16. **2020-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда сувни тежайдиган технологиялар қамровини кенгайтириш бўйича йўл хариталари** 4а–4м иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

17. Молия вазирлиги (А.Э.Эргашев) Сув хўжалиги вазирлиги (А.А.Мирзаев) ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ш.Ж. Тешаев) билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг **сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисmini қоплаш тартибини ишлаб чиқсин** ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниевга 2021 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича прогноз кўрсаткичларига зарур ҳолларда қўшимча ва ўзгартришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартриш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартриш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Қўқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги изосидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 11 декабрь

АКАДЕМИК РАЪНО УБАЙДУЛЛАЕВА

Мамлакатимиз илм-фани оғир жудоликка учради.

Атоқли олима, Ўзбекистон фанлар академияси академиги Раъно Ахатовна Убайдуллаева шу йил 11 декабрь куни 84 ёшида вафот этди.

Р.Убайдуллаева 1936 йилнинг 4 ноябрида Тошкент шаҳрида ту- гилди. 1958 йилда Тошкент мо- лия-иқтисодиёт институтини та- момлади.

У ўз меҳнат фаолиятини Фан- лар академиясининг Иқтисодиёт институтида лаборант сифати- да бошлади, сўнг ушбу институт аспирантурасида таҳсил олди. 1964 йилда номзодлик, 1974 йилда докторлик диссертация- сини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъодли олима ўзининг қарийб 60 йиллик илмий ва та- шкилотчилик фаолияти давомида Фанлар академиясининг Иқтисо- диёт институтида лаборант, кат- та илмий ходим, сектор мудири, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифаларида фао- лият олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири ўринбосари, Республика "Икти- мойий фикр" жамоатчилик фикри- ни ўрганиш маркази директори



каби масъул лавозимларда иш- лаб, юртимизда амалга ошири- лаётган кенг кўламли ислохот- ларда фаол иштирок этди.

Академик Р.Убайдуллаева меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш, иш билан банд бўлмаган аҳоли резервларини ўрганиш, меҳнат бозорини ба- ҳолаш, меҳнат ресурсларини режалаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш каби иқтисо- диётимиз тармоқлари ривожид- да муҳим аҳамиятга эга маса- лалар бўйича самарали илмий изланишлар олиб борди. Унинг

илмий дастурлари ва тадқиқот- лари республикамызда меҳнат ресурсларидан тўғри фойдала- ниш, меҳнатнинг касаначилик турини ташкил этиш, аёллар меҳнатидан фойдаланишнинг ижтимоий муаммоларини ечиш- да кенг қўлланиб келмоқда.

Меҳнат иқтисодиёти йўнали- шига бағишланган 300 дан зиёд илмий мақолалари, китоб ва но- графиялари юртимиз ва хо- рижий мамлакатларнинг илмий жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланган.

У талабчан ва жонқуяр устоз сифатида 50 дан ортиқ фан ном- зодлари ва фан докторларини тайёрлади.

Академик Р.Убайдуллаева- нинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хиз- матлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Меҳнат шухрати", "Эл-юрт ҳурмати" ор- денлари билан мукофотланган эди.

Таниқли олима, меҳрибон ус- тоз, камтарин инсон Раъно Убай- дуллаеванинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақла- ниб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НАРБАЕВА, Н. ИСМОИЛОВ,
А. АРИПОВ, Б. ЮЛДАШЕВ

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ОНЛАЙН-САММИТИ ҲИНД МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модри ўртасидаги онлайн-саммит Ҳинд оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилди.

“All India Radio News” радио янгиликлари хизмати икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатлар, жумладан, коронавирус инкиро- зидан кейинги даврда Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкор- ликни мустаҳкамлаш билан боғ- лиқ барча масалаларни муҳокама қилгани, томонларни қизиқтирган минтақавий ва глобал масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашгани- ни таъкидлаган.

“Нарендра Модри Ҳиндистон ва Ўзбекистон қадим замонлардан буюн мунтазам алоқада бўлиб келган икки бой тамаддун эканини қайд этди. Минтақа муаммолари ва имконият- ларига нисбатан ҳар икки мамла- катнинг тушунчалари ва ёндашу- вларида кўп ўхшашликлар мавжуд. У, шунингдек, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрна- тилганини таъкидлаб ўтди.

Йиллар давомида ўзаро иқ- тисодий шериклик ҳам мустаҳ- камланди. Ҳиндистон Ўзбекистон билан тараққиёт йўналишидаги ҳамкорликни янада фаоллашти- ришга интиломоқда. Бош вазир- нинг таъкидлашича, Ҳиндистон Ўзбекистон тараққиётининг усту- вор йўналишларида ўз билим ва тажрибаси билан ўртоқлашишга тайёр. Ҳиндистон Ўзбекистон учун фойдали бўлиши мумкин бўлган инфратузилма, ахборот техноло- гиялари, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда улкан салоҳиятга эга. Нарендра Модининг сўзлари- га кўра, қишлоқ ҳўжалиги бўйича қўшма ишчи гуруҳ тузиш муҳим ва ижобий қадам саналади”, — деб ёзади “All India Radio News”.

“Economic Times” кундалик газетаси муҳим воқеани шарҳлар экан, “Нарендра Модри ўз нутқида Ҳиндистон Ўзбекистон билан та- раққиёт соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятида экани- ни таъкидлади”, деб ёзади.

Ўзаро муносабатлар мудофаа ва хавфсизлик, савдо ва инвести- ция, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, таълим ва илм-фан, юқори техно- логиялар ва бошқа соҳаларни қам- раб олган. Ҳозир икки томонлама инвестиция шартномаси ва имтиёз- ли савдо битимини имзолаш бўй- ча музокаралар олиб боришмоқда. Бош вазир ўз нутқида мудофаа, космик соҳа ва ядро энергетикаси- нинг асосий йўналишлари бўйича икки мамлакат ўртасидаги ҳамкор- ликка ҳам тўхталиб ўтди.

Нашр Бош вазирнинг “Хавф- сизлик соҳасидаги ҳамкорлигимиз икки томонлама муносабатлари- мизнинг мустаҳкам таянчига ай- ланмоқда. Ўтган йилги қурулloi куч- ларимиз ўртасида биринчи қўшма ҳарбий машқлар ўтказилди. Кос- мик ва ядро энергияси соҳаларида ҳам биргаликдаги саъй-ҳаракатла- римиз кенгайиб бормоқда”, деган сўзларини келтирган.

Қишлоқ ҳўжалиги бўйича қўш- ма ишчи гуруҳининг ташкил эти- лиши муҳим ва ижобий қадамдир. “Бунинг самарасида ҳар икки мамлакат фермерларига ёрдам берадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳ- сулотлари савдосини ошириш им- кониятларини топа оламиз”, — дея қўшимча қилди Н.Модри.

У, шунингдек, коронавирус пан- демияси даврида икки мамлакат амалга ошираётган ҳамкорликка алоҳида тўхталди. COVID-19 эпиде- мияси билан боғлиқ оғир даврда ҳар икки давлат бир-бирини тўлиқ қўллаб-қувватламоқда. Бу дори- дармон етказиб бериш, фуқаро- ларни ўз Ватанига қайтариш ва бошқа йўналишларни қамраб ол- ган, деб таъкидланади мақолада.

Ўз навбатида, инглиз тилидаги 24 соатлик “Times Now” янгилик- лар канали “Нарендра Модининг айтишича, Ҳиндистон Ўзбекистон билан тараққиёт бўйича ҳамкор- лигини янада чуқурлаштиришни истайди. У иккала томоннинг турли йўналишларда, жумладан, мудо- фаа ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида тобора ўсиб бораётган алоқала- рига эътибор қаратди”, деб хабар беради.

“Ҳиндистон Бош вазири икки давлат ўртасидаги минтақавий ма- салалар бўйича фикрлар ақинли- гига тўхталар экан, Афғонистонда тинчликни тиклаш афғонлар бош- қилиги ва назорати остида бўлиши керак бўлган жараёنлигини алоҳи- да айтиб ўтди. Афғонистонда ўтган икки ўн йилликда эришилган ютуқ- ларни сақлаб қолиш муҳим”, деб ёзади мақола муаллифи.

Ddine.gov.in миллий янги- ликлар агентлиги “Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо ҳаж- ми 250 миллион доллар атрофида бўлиб, бу кўрсаткич томонларнинг мавжуд салоҳиятидан анча паст. Шу босис, ҳар икки раҳбар бу кўр- саткични 1 миллиард доллардан оширишни мақсад қилган”, дея ўз ўқувчилари эътиборини шу маса- лага қаратган.

“Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик давлат даражасида ва минтақалар ўртасида йўлга қў- йилган. Гужарат бош вазирининг 2019 йил октябрь ойида Ўзбекистонга (хусусан, Андижон вилоятига) ташрифи ва шу йил ноябрь ойида Ўзбекистон вакилларининг Гужаратга жа- воб ташрифи чоғида 23 та битим имзоланиб, қишлоқ ҳўжалиги, чорвачилик, озиқ-овқат саноати, қимматбаҳо тошлар ва заргарлик, автомобилсозлик, тўқимачилик, фармацевтика, ахборот техноло- гиялари каби турли соҳаларда қий- мати 992 миллион долларга тенг 59 та лойиҳа белгиланган. Ўзбекистон минтақалараро ҳам- корликни кенгайтиришдан ман- фаатдор.

Онлайн-саммит ҳар икки томон учун олий даражадаги сиёсий му- лоқот орқали стратегик шериклик- ни янада мустаҳкамлаш, мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкор- лик ва ривожланиш мақсадидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро боғлиқлик соҳасидаги ташаббуслар устида ишлаш имконини берди”, деб таъкидлайди интернет-ресурс.

Ҳиндистоннинг йирик “Press Trust of India” (PTI) ахборот агент- лиги маълум қилишича, “Нарендра Модри Ҳиндистон Ўзбекистон билан тараққиёт соҳасидаги ҳамкорлик- ни янада чуқурлаштириш ниятида эканини айтиб, томонларнинг тур- ли соҳалар, жумладан, мудофаа ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида то- бора кенгайиб бораётган ҳамкор- лигига эътибор қаратди.

Бош вазир икки давлат ўр- тасидаги минтақавий маса- лалар бўйича қарашларнинг ақинлиги ҳақида гапирар экан, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш афғонларнинг ўзлари етакчилиги ва назоратидаги жараён эканини таъкидлади”.

“Hindustan Times” кундалик газетаси Бош вазир Нарендра Модри сўзларидан “Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муноса- батлар узоқ ўтмишга бориб та- қалади. Биз ўхшаш таҳдидларга дуч келмоқдамыз ва ўхшаш имко- ниятларга эгамиз. Уларга нисбатан ёндашувларимиз ҳам ақин”, деб иқтисос келтиради.

“Ўзбекистон Президентининг 2018 ва 2019 йиллардаги Ҳинди- тонга амалга оширган ташрифла- рига тўхталган ҳолда, Бош вазир “Бу ташрифлар икки томонлама муносабатлар учун янги уфқларни очиб берди”, деб қайд этди.

“Ҳиндистон ва Ўзбекистон ради- кализм, сепаратизм ва фундаментал- лизмга нисбатан бир хил позицияга эга. Бу минтақавий хавфсизликка ҳам тааллуқли. Биз Афғонистонга ушбу мамлакатнинг ўзи томонидан бошқариладиган ва назорат қили- надиган тинчлик жараёни керак, деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, сўнгги икки ўн йилликда эришилган ютуқларни сақлаб қолиш лозим, — деб таъкидланади мақолада. — Ҳин- дистон Ўзбекистонга ёрдам бериши мумкин бўлган инфратузилма, ах- борот технологиялари, таълим, соғ- лиқни сақлаш, салоҳиятни ошириш бўйича кенг имкониятларга эга”.

Ҳинд газетаси Бош вазир На- рендра Модининг “Сизнинг раҳ- барлигингиз остида Ўзбекистонда эътиборга молик кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Коронавирус инкирозидан кейин- ги даврда алоқаларимизни янада мустаҳкамлаймиз”, — деган сўзла- рини алоҳида таъкидлаган.

“Дунё” АА

Дехли

Интервью

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА МУҲИМ ҚАДАМ ТАШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг видеоанжуман шаклидаги йиғилишида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари кенгашдаги нутқида Ўзбекистоннинг ку- затувчи мақомини олиш тўғрисидаги мурожаати қўллаб-қувват- лангани учун самимий миннатдорлик билдириб, ЕОИИнинг хал- қаро нуфузи тобора ортиб бораётгани, ташкилотнинг хорижий

мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик географияси кенг эканини алоҳида таъкидлади.

Кенгаш йиғилиши якунида Ўзбекистонга ЕОИИ ҳузуридаги ку- затувчи давлат мақоми берилди.



Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати раиси:

асосий савдо-иқтисодий ҳамкори экан- лигини таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ўртасида йил сайин савдо-сотиқ даражаси ошиб бормоқ- да. Транспорт коммуникация соҳалари мустаҳкамланиб, инвестициявий ҳам- корлигимиз кучаймоқда. Ушбу давлат- лараро иттифоқ иштирокчиларини ўз фуқаролари турмуш даражасини оши- ришга қаратилган умумий манфаат бир- лаштиради.

Президентимизнинг шу йил январь ойи- да Олий Мажлисга қилган Мурожаатнома- сидан сўнг биз Ўзбекистон ва ЕОИИ ўр- тасидаги ҳамкорлик борасида катта ишларни амалга оширдик. Олимлар, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда аҳолимизнинг

фикрларини ўрганиш ва чуқур таҳлил қи- лиш асосида парламентимиз ЕОИИ билан кузатувчи мақомида ҳамкорлик қилишга қарор қилди.

Бу мамлакатимизга мулоқот ва ама- лий ҳамкорлик қилишнинг сифат жиҳати- дан янги босқичга чиқиш, ушбу бирлашма доирасида шиддат билан кечаётган жа- раёнларни чуқурроқ ва яхшироқ тушуниш имконини беради. Мамлакатимизнинг бун- дан буюн иқтисодий тараққиёти учун та- клиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, ЕОИИга аъзо мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш, ташқи-иқтисо- дий муносабатлардаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда тажриба алмашишга замин яратади.



Жамшид КҶЧҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,
иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазири:

улуши 80 фоизгача етади. Иттифоққа аъзо мамлакатлар билан савдо ало- қаларимиз сўнгги тўрт йилда 75 фоиз- га ошди.

Қолаверса, ЕОИИга кирувчи мамлакат- ларнинг миллий иқтисодиёти бир-бирини тўлдириб турлади. Ўзбекистонда қўшма корхоналар ва инвестицион ҳамкорлик кўламининг ошиши натижасида халқаро саноат корхоналари ўртасида ишлаб чи- қариш занжирини ҳосил қилиш эҳтиёжи кучайди. Бу эса Ўзбекистон жаҳон иқтисо- диётининг ажралмас қисмига айланиб бо- раётганидан далолат.

Географик нуқтаи назардан давла- тимиз ва қўшни мамлакатлар денгизга чиқмайди. Биздан узоқ мамлакатларга экспорт ва улардан бизга импорт бўлади- ган товарларнинг 80 фоизи ЕОИИга аъзо мамлакатлар орқали ҳаракатланади. Кейинги масала — меҳнат миграцияси. Ўзбекистон фуқароларининг аксарияти Россия ва ЕОИИга аъзо мамлакатларда ишлаб келмоқда. ЕОИИга кузатувчи бў- либ киришимиз мигрантларнинг ҳақ-ху- қуқларини ҳимоя қилиш, уларга керакли шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилишга ёрдам беради.

ОНЛАЙН МУЛОҚОТ МУҲИМ УЧРАШУВ СИФАТИДА ТАРИХДА ҚОЛАДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модри билан видеоанжуман шаклида учрашув ўтказди.

Мулоқотда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-тех- ник, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки то- монлама ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқбол- лари муҳокама қилинди.

Шунингдек, учрашувда коронавирус пандемиясининг глобал

миқёсда тарқалиши оқибатларини енгиб ўтишда яқин ҳамкорлик- ни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида қўшма баёнот қа- бул қилиниб, ҳукуматлараро ва идоралараро қатор битимлар имзоланди.

Абдулазиз КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:

Эсимизда бор, ҳар йили турли шаҳар- ларимизда Ҳиндистон киноси фестивал- лари ўтказилар, ёзувчилар келар эди. Маданият, ижтимоий соҳаларда яқин ҳам- корлик қилардик. Ҳиндистон жуда катта салоҳиятга эга бўлган буюк давлат. Охир- ги 3-4 йил давомида Президентимизнинг ташрифлари, мулоқотлари пайтида ушбу давлат билан мустаҳкам шартномавий асос яратдик. Бугун уларга қўшимча ра- вишда яна 10 та янги ҳўжжат имзоланди. Улар орасида энг муҳим сиёсий ҳўжжат — Яқин дўстлик ва мустаҳкам шериклик тўғрисида қўшма баёнот қабул қилинди. Мазкур баёнотга ҳамкорлигимизнинг асо- сий йўналишлари, шунингдек, келажақда- ги режаларимиз киритилган.

Мулоқот чоғида Президентимиз берган таклифларни Ҳиндистон томони катта қи- зиқиш билан қабул қилди ва қўллаб-қувват- лади. Булар орасида, сиёсий, иқтисодий, савдо алоқаларини ривожлантириш маса- лалари бор. Яна бир муҳим йўналиш хавф- сизлик билан боғлиқ. Нафақат минтақадаги

хавфсизлик, балки икки томонлама ҳар- бий-техникавий ҳамкорлик алоқалари му- ҳокама марказида бўлди. Ҳиндистон билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш, Марка- зий Осиёдан Афғонистон орқали Жанубий Осиёга чиқиш ташаббуси ҳам қўшма баё- нотга киритилди ва буни Ҳиндистон томони қўллаб-қувватлади.

Бу бизга нима беради? Ҳиндистон аҳо- лиси 1,5 миллиардга яқинлашмоқда. Дей- лик, Жанубий Осиёда ўзимизга янги бозор очсак, албатта, бу бизга янги имкониятлар яратади.

Яна бир муҳим жиҳат. Биз Самарқанд- да янги формат асосида иш бошладик. Бу Марказий Осиё ва Ҳиндистон форма- ти. Мазкур формат жуда яхши ишляпти ва Ҳиндистон бугун уни қўллаб-қувват- лаганимиз учун Ўзбекистонга миннатдор- лик билдириб, ўзининг режаларини баён қилди. Анчадан буюн бизга яна бир учра- шувни Ҳиндистонда ўтказишни таклиф қилишляпти. Пандемиядан сўнг биз яна, албатта, учрашамиз.

Содиқ САФОЕВ,
Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари:

давлатда ҳам бир-бирига ўхшаш жараён- лар рўй бермоқда. Яъни ислохотлар, мо- дернизация ва иқтисодий ривожланиш. Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири ўртасидаги шахсий муносабатлар ўзаро ишончга асосланади. Нарендра Модри Ўзбекистон раҳбарига нисбатан ало- ҳида ҳурмат ва чуқур эҳтиромга эга. Яқин йилларда икки томонлама савдонинг бир миллиард долларга олиб чиқиш вазифаси турибди. Бунинг учун барча имконият бор. Ҳиндистон катта бозор. Бу мамлакатдаги,

айниқса, ахборот технологиялари бора- сидаги ютуқлар Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга.

Тошкентда бир неча йилдан бери Жа- воҳарлаъл Неру номидаги Ахборот техно- логиялари маркази ишлаётгани ҳам бежиз эмас. Ҳиндистон соғлиқни сақлаш ва фар- мацевтика соҳасида энг илгор давлатлар сирасига кирди. Албатта, бугунги саммит икки давлат ва икки халқ ўртасидаги риш- талар ва алоқаларни янада мустаҳкамла- ши шубҳасиз.



— Икки томонлама муносабатлари- мизнинг бугунги кундаги аҳамиятини шу билан изоҳлашимиз мумкинки, иккала

Жараён

СОДДАЛАШГАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ аҳолининг оғирини енгил, мушкулини осон қилади



Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,
Давлат хизматлари агентлиги директори

Бундан бир неча йил илгари гарчи “ягона дарча” тамойили йўлга қўйилган бўлса-да, давлат хизматларини кўрсатишнинг миллий тизими мақтанарли даражада эмасди. “Ягона дарча” имкониятидан фақат тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши мумкинлиги, фуқароларнинг турли давлат органларида ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича мураккаб тартиб-таомиллардан ўзлари ўтишга мажбур бўлиши каби муаммолар бу тизимнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтишига тўсқинлик қилар эди.

Қолаверса, қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларининг мавжуд эмаслиги, уларда идоралараро интеграциянинг сустлиги жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча давлат хизматлари мажмуасидан қулай ва ўз вақтида фойдаланишга имкон бермасди. Аксарият давлат хизматлари кўрсатиш тартибининг мураккаб ва фойдаланиш учун ноқулайлиги оддий аҳолига қийинчилик туғдирар эди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизimini тўдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Адлия вазирилик ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. Соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат хизматлари кўрсатиш таомилларини соддалаштириш, идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш кабилар агентлигининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Ҳаш-паш дегунча, агентлик ташкил этилганига ҳам уч йил бўлди. Ҳўш, уч йил давомида аҳолига давлат хизматларини тез ва сифатли кўрсатиш бора-борисидаги ислохотлар қандай кечди? “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган ғоя амалда қайси ўзгаришларда кўринмоқда?

ҲУЖЖАТЛАР 167 ТАДАН 79 ТАГА ҚИСҚАРДИ

Давлат хизматлари кўрсатишда илк бора умумреспублика бўйича хизмат кўрсатишнинг экстерриториал тамойили ҳамда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан бир вақтда онлайн банк ҳисобрақамларини очиш механизми йўлга қўйилиб, муҳр ва штамплардан фойдаланиш мажбурияти бекор қилинди.

Амалга оширилган саяё-ҳаракатлар натижасида 2019 йил якуни бўйича Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” рейтингини “Бизнесни рўйхатдан ўтказиш” индикаторида Ўзбекистон 190 та давлат ичидида 8-ўринини эгаллади.

Давлат хизматлари марказлари орқали 2018 йилгача бўлган даврда фақат тадбиркорлик субъектларига 37 турдаги давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, бугунги кунда улар сони қарийб 150 тани ташкил қилмоқда. 2017 йилда тадбиркорлар 170 мингдан ортқ давлат хизматида фойдаланган бўлса, ўтган 3 йилда жисмоний ва юридик шахслардан давлат хизматлари кўрсатиш бўйича 25 млн.дан ортқ мурожаат қабул қилинди. Бундан ташқари, давлат

Республикамиз бўйича Давлат хизматлари марказларининг 1 438 нафар ходими навбатдан ташқари аттестациядан ва қайта аттестациядан ўтказилиб, жами 260 нафар ходим эгаллаб турган лавозимига нолийқ деб топилди. Бўш ўринларга малакали ва меҳнатсевар ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тизими йўлга қўйилди.



ФХДЁ органларида мавжуд 60 млн.га яқин архив маълумотининг 90 фоизи рақамлаштирилди. Уларда гербли гувоҳномаларни “ФХДЁ ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали электрон кўринишда QR-кодли бланкаларда чоп этиш тизими йўлга қўйилди.

ФИЛИАЛЛАР СОНИ ОРТДИ

Республикамизнинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли учун туғилганлик ҳақида гувоҳнома олиш, нафақага чиқиш каби ҳужжатларни тўғрилаш бирмунча қийинчилик туғдирарди. Уларни расмийлаштириш учун неча-неча километр йўл босиб, марказга келиш талаб қилинарди. Иши битиб, уйига қайтгунча кун ботиб кетар эди. Туман марказидан узоқда (100-300 км.) жойлашган ҳудудларда ҳамда аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат хизматлари марказининг филиаллари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда уларнинг сони 100 дан, кўрсатилган хизматлар сони қарийб 80 мингдан ошди.

ФИЛИАЛЛАР СОНИ ОРТДИ

Республикамизнинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли учун туғилганлик ҳақида гувоҳнома олиш, нафақага чиқиш каби ҳужжатларни тўғрилаш бирмунча қийинчилик туғдирарди. Уларни расмийлаштириш учун неча-неча километр йўл босиб, марказга келиш талаб қилинарди. Иши битиб, уйига қайтгунча кун ботиб кетар эди. Туман марказидан узоқда (100-300 км.) жойлашган ҳудудларда ҳамда аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат хизматлари марказининг филиаллари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда уларнинг сони 100 дан, кўрсатилган хизматлар сони қарийб 80 мингдан ошди.

Республикамиз бўйича Давлат хизматлари марказларининг 1 438 нафар ходими навбатдан ташқари аттестациядан ва қайта аттестациядан ўтказилиб, жами 260 нафар ходим эгаллаб турган лавозимига нолийқ деб топилди. Бўш ўринларга малакали ва меҳнатсевар ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тизими йўлга қўйилди.

Бунда асосий эътибор аҳолига енгиллик яратиш, уларнинг вақтини тежаш, навбат қутиб қолиш ҳолатларини камайтиришга қаратилди ва ушбу мақсадлар учун филиаллар замонавий компьютер ва сифатли интернет билан тўлиқ таъминланди. Бундан ташқари, тизимга мобил давлат хизматлари тушунчаси киритилди. Бунда транспорт унча яхши йўлга қўйилмаган, чекка ва тоғли ҳудудда яшовчи аҳоли учун махсус жихозланган транспорт воситалари ёрдамида мутахассислар бориб, сайёр давлат хизматларини кўрсатади. Шу кунгача мақбул, қулай ва шаффоф услублардан фойдаланган ҳолда республика бўйича 530 мингга яқин сайёр хизмат кўрсатилди.

ТУРНАҚАТОР НАВБАТЛАР КАМАЙДИ

Давлат хизматлари кўрсатишда кўзга ташланадиган асосий муаммо инсонларнинг соатлаб навбат қутиши, бу жараёнда қўлаб кўнгилсизликлар, келишмовчиликларнинг юзага келиши эди. Бу, айниқса, ҳар йили олий таълим муассасаларига бўладиган кириш имтиҳонлари олдидан ҳужжат топшириш жараёнида кўзга ташланарди.

Шуни ҳисобга олиб, талабгорларнинг ҳужжатларини ҳудудий давлат хизматлари марказлари орқали олиш тизими йўлга қўйилди. Биргина 2019 йилда қарийб 120 минг нафар абитуриентнинг ҳужжати қабул қилинди, қабул жараёнида навбат билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш мақсадида дам олиш кунлари, шунингдек, 24 соат мобайнида хизматлар кўрсатилди.

Давлат хизматларини онлайн олишда янада қулайликлар яратиш мақсадида электрон рақамли имзо сертификатини онлайн олиш имконияти яратилди. Бунда фуқаролар марказларга бормаган ҳолда масофадан туриб давлат хизматларини олиши мумкин.

Омлада фарзанд дунёга келгач, у билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни ҳам бошланади. Илгари туғилиш билан боғлиқ бўлган беш турдаги давлат хизматларини олиш учун ота ёки она бешта жойга сарсон бўлиб югурарди. Эндиликда бу жараён бир вақтнинг ва бир жойнинг ўзида ҳал этиладиган бўлди. Яъни ФХДЁ органи орқали туркум (композит) тарзда хизмат кўрсатиш тартиби жорий этилиб, бир

вақтнинг ўзида туғилишни қайд этиш, болани поликлиникага рўйхатга қўйиш, турар жойи бўйича ҳисобга олиш, суюнчи пулини тайинлаш ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотига навбатга қўйиш хизматлари қамраб олинди. Бу билан 15 дан ортқ ҳужжат қисқариб, 4 та идорага боришга чек қўйилди. Бугунги кунга қадар 60 мингга яқин фуқаро ушбу қулайликдан фойдаланди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан бир вақтда 30 та тижорат банкида онлайн ҳисобрақамлар очиш имконияти яратилди. Энди тадбиркорлар ўз фирмаларини рўйхатдан ўтказиб бўлгач, ҳисобрақам очиш учун банкма-банк юрмайди, навбатларда сарғайиб турмайди. Давлат хизмати учун тўлов қилишдаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида 84 та марказда



Давлат хизматлари кўрсатилишида тўловлар ҳақида СМС хабар юборилишининг жорий қилиниши аҳолига енгиллик бериш билан бирга, тизимга нисбатан ишонччи ҳам оширди. Ҳозир давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳар бир босқичида тўланган пул маблағлари ҳақидаги маълумот мурожаат муаллифларининг телефон рақамларига СМС хабар тарзида келиб туради.

ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Аҳолининг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида Давлат хизматлари марказларида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш бурчаклари ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил ноябрь ойида Қашқадарь вилоятига ташрифи доирасида Қарши шаҳри Давлат хизматлари марказида фуқароларимизга яратилган шарт-шароитлар билан танишиб чиқиш жараёнида берган кўрсатмалари асосида “Қарши тажрибаси” лойиҳасига старт берилди.

“Қарши тажрибаси” асосида давлат хизматларидан фойдаланиш кўникмаларини маҳаллаларда, шунингдек, воёга етиб келаётган ёшларда ҳам тўлиқ тушунча ҳосил бўлишига ҳаракат қилинмоқда. Давлат хизматлари агентлиги Қашқадарь вилояти бошқармаси томонидан махсус ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, Қарши шаҳридаги маҳаллаларда, мактабларда масофадан туриб давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича махсус тренинглار ўтказилмоқда.

Тренинглар давомида ходимлар томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтиш, электрон рақамли имзони олиш, солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР)ни аниқлаш ва олиш ҳақида батафсил маълумотлар берилмоқда.

Давлат хизматлари марказларида интернетга уланган компьютерлар ёрдамида марказларга ташриф буюрган фуқароларга, уларнинг хоҳишига қура, электрон хизматлардан фойдаланиш тартиби тушунтирилмоқда. Электрон давлат хизматларидан фойдаланиш билан, кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича жойларда маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳамда таълим муассасалари масъул ходимлари учун маҳорат дарслари йўлга қўйилди.

РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ

ФХДЁ органларида мавжуд 60 млн.га яқин архив маълумотининг 90 фоизи рақамлаштирилди. Уларда гербли гувоҳномаларни “ФХДЁ ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали электрон кўринишда QR-кодли бланкаларда чоп этиш тизими йўлга қўйилди. Бунинг учун ФХДЁ органлари махсус принтер ва компьютер қурилмалари билан таъминланди. Бу эса аҳоли оғирини енгил қилиш билан биргаликда соҳада коррупциянинг авж олишига ҳам тўсқинлик қилади.

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ҚАЙТА АЛОҚА

Жамоатчилик билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш, фуқаролар билдираётган тақлифлар, фикр-мулоҳазалар, мурожаатларга тезкорлик билан ечим топиш мақсадида “Facebook” ижтимоий тармоғида агентлигининг расмий саҳифаси очилди. Биргина “1148” қисқа рақамли ишонч телефони ва @davxizmatloqa_bot қайта алоқа телеграм боти орқали бир кунда ўртача 500 га яқин жисмоний ва юридик шахсининг мурожаатлари қабул қилиниб, реал вақт режимида тезкорлик билан муносабат билдириб келинмоқда.

ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР УЧУН ХИЗМАТЛАР

Имконияти чекланган шахслар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ.

Жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб айрим туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказларида синов тариқасида “surdo-online” планшетлари ишга туширилди. “Surdo-online” планшетлари интернетга уланган бўлиб, бевосита онлайн тарзда доимий равишда ишлайди ва шу вақтнинг ўзида операторга таржима қилади. Ушбу тизимни Давлат хизматлари марказларида жорий қилиш ешитиши ва гапиришида нуқсон бор шахслар билан тўлақонли мулоқотни таъминлайди. Келгусида ушбу тизимни республикамизнинг барча ҳудудларида жойлашган Давлат хизматлари марказларида ҳамда ФХДЁ органларида кенг жорий қилиш назарда тутилган.

КЕЛГУСИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Уч йиллик фаолиятни бир саҳифага сиғдириш осон эмас, албатта. Қилинадиган ишлар хали олдинда. Хусусан, фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида автомобилотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш хизматининг Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилишини қисқа фурсатларда таъминлаш мақсада мувофиқ.

Олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларнинг инфратузилмаси, шунингдек, аҳолининг асосий қатлами смартфон телефон воситаларидан фойдаланиб келаётганини инобатга олиб, фуқароларга янада қулайликлар яратиш мақсадида электрон давлат хизматларини омаллаштириш имконини берувчи мобил иловани яратиш устида мутахассислар ишни бошлаб юборган.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишни экстерриториаллик тамойили асосида амалга оширишни йўлга қўйиш ҳам муҳим. Республикаимизнинг турли ҳудудларида вақтинча рўйхатдан ўтган ҳолда яшаб, меҳнат қилиб келаётган фуқаролар кўп. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, кўп ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш учун фуқаролар ўзлари доимий рўйхатда турган ҳудуддаги ФХДЁ органига мурожаат қилишлари талаб этилади. Бу ҳолат фуқароларга транспорт ва вақт сарфлаиши жиҳатидан қийинчиликлар туғдириб келмоқда.

Қолаверса, барча турдаги юридик шахсларни (нодавлат ношароит ташкилотлардан ташқари) Давлат хизматлари марказлари орқали давлат рўйхатидан ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш керак. Юридик шахсларни рўйхатдан ўтказувчи ягона органини белгиллаш барча тушунмовчиликларни бартараф этиб, ушбу соҳада ягона давлат сиёсати тизимли равишда юритилишига имкон беради. Ҳозир банклар ва кредит бюралари, уларнинг ваколатхоналари ҳамда филиалларидан ташқари, барча тадбиркорлик субъектлари Давлат хизматлари марказларида давлат рўйхатидан ўтказилади. Бирок ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, матлубот кооперативи, ишлаб чиқариш кооперативи каби айрим турдаги юридик шахсларни рўйхатга олишда муаммолар мавжуд.

Чет элда яшовчи фуқароларимизга қулайлик яратиш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларидан фойдаланиш учун қўлланиладиган электрон рақамли имзо калити сертификатини чет элдан туриб олиш ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш имкониятларини яратиш ҳам тизим ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.



Янги транспорт тизими

ХАВФСИЗ, АРЗОН ВА ЗАМОНАВИЙ

СЕРГЕЛИ МЕТРО ЙЎНАЛИШИДАГИ МАВЖУД БЕШТА БЕКАТДА АСОСИЙ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ ТУГАТИЛИБ, СЎНГГИ ПАРДОЗЛАШ ЮМУШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. МАЗКУР ЙЎНАЛИШ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛГАЧ, БИР КУНДА 35 МИНГГА ЯҚИН ЙЎЛОВЧИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИМКОНИАТИ ЯРАТИЛАДИ

Рустам ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг
Ахборот таҳлилий медиа-маркази мутахассиси
Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида жамоат транспортини тубдан ривожлантириш ва халқаро талабларга мос замонавий тизимни яратишга катта аҳамият қаратиляпти. Айниқса, ер ости ва ер усти метрополитени қурилишига эътибор кучли. Хусусан, мустақиллик байрами арафасида Юнусобод йўналишида иккита мухташам станция ҳамда ер усти халқа йўлининг биринчи босқичидаги еттита бекат ишга туширилганди.

Эътироф этиш жоиз, бу каби йирик лойиҳаларга дунёнинг камдан-кам мамлакатларигагина жазм этади. Марказий Осиёда ҳам, МДҲ мамлакатларида ҳам ер усти метрополитени бугунги кунгача қурилмаган. Юртимизда илк бор бу каби ноёб лойиҳа “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Кўприкқурилиш трести” унитар корхонаси қурувчилари томонидан муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 29 ноябрдаги “Тошкент метрополитени Сергели йўналишини қуриш” лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 2017 йилнинг дастлабки ойларида Сергели — Олмазор метро йўналишида бунёдкорлик ишлари бошланган эди. Эстакада шаклидаги ер усти метроси қурилаётган ҳудуднинг бир томони Янгиҳаёт, яна бир томони эса Сергели туманига қарайди. Бу ҳудудда 276 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Янги метро қурилиши ушбу туманларда жуда қулай транспорт тизимини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Умумий қиймати 82,66 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳа “Боштранслойиҳа” акциядорлик жамияти мутахассислари иштирокатида тайёрланиб, ўтган вақт давомида

қурувчилар томонидан 6,2 километр узунликдаги пўлат излар ётқизилди ва 5 та бекат қурилди. Сергели йўналишининг биринчи бекати Чилонзор йўналишининг “Олмазор” бекатига уланди. Қурувчилар томонидан ҳозиргача мавжуд 1, 2, 3, 4 ҳамда 5-бекатларнинг барчасида асосий қурилиш ишлари якунланиб, ташқи ва ички қисмларига сўнгги безак берилмоқда. Янги йўналиш бўйлаб метро поездлари бир неча бор синов тариқасида муваффақиятли ҳаракатланди.

— Биринчи бекат Чилонзор йўналишидаги “Олмазор” ер ости бекати билан тўғридан-тўғри боғланди, — дейди “Тошкент метрополитени” унитар корхонасининг метро линияларини қуриш дирекцияси иқтисодий бўлими бошлиғи Хусниддин Бозоров. — Ушбу мураккаб ечим Сергели линиясининг дастлабки эстакада шаклидаги бекати бўлди. Ундан кейин эса Тошкент халқа йўли ёнидаги 2-бекат қелади. Сўнг 3-, 4- ва 5-бекат билан якун топади. Уларда ҳам асосий қурилиш ишлари тугатилиб, перронларни пардозлаш, эскалатор ўрнатиш, метро поездлари учун электр тармоқларини монтаж қилиш, ёритиш учун коммуникация кабелларини улаш ишлари ҳам бажариб бўлинди.

Ўтган вақт давомида лойиҳа смета ҳужжатларида кўрсатилган 1 минг 484 донга темир-бетон балка 100 фоиз ўр-



натиб бўлинди. Шунингдек, 223 донга таянч устун ригели, 223 донга таянч устуннинг сифатли ва мустаҳкам ҳолда ўрнатилиши якунига етди. Қурилиш жараёнида 5,6 метрдан 17 метргача бўлган балкалар ўрнатилди.

Йўловчилар учун қулай шароит яратиш мақсадида, энг аввало, бекатларни қуриш ва безашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Уларни пардозлашда замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилиб, кўркам ҳолатга келтирилмоқда. Кириш-чиқиш ҳудудлари қиёфаси бир-бирини такрорламайди, яъни ўзига хос ранг-баранг меъморий масканларга айланади. Йўловчилар учун қулайликлар яратиш эса энг устувор вазифа. Хусусан, имконияти чекланганлар учун бекатлар платформасида хавфсиз тактил плиткалар ётқизилиши ҳамда йўловчиларнинг платформаларга кўтарилиши учун замонавий лифт ва эскалатор, хавфсизлиқни таъминлаш мақсадида эса замонавий видеокузатув ускуналари, IT турникетлар ҳамда тежамкор ёритиш чиққилари ўрнатилди. Мобиль алоқа ускуналари учун электр қувватлагич-

лар ҳам бўлади. Ҳар бир бекатга ҳорижда ишлаб чиқарилган 12 тагача замонавий кондиционер ўрнатилмоқда. Объектлардаги қурилиш ишларига бир ярим мингдан ортиқ мутахассис ва ишчи-ҳодимлар жалб этилган.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Тошкентда жамоат транспортдан бор-йўғи 33 фоиз йўловчи фойдаланмоқда. Ривожланган мамлакатлар пойтахтида эса бу кўрсаткич 60-70 фоизни ташкил этади. Айни кезде бош кентимизда аҳоли ҳам, транспорт воситалари ҳам кўпайиб бормоқда. Охириги 10 йилда шаҳарда автомобиллар сони 250 мингтадан 510 мингтага, яъни 2 баравар ошган. Шунга мос равишда жорий йил фойдаланишга топширилган Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишида 2 та бекат ҳамда ер усти халқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилгани натижасида жамоат транспортда 56 та йўналиш мақбуллаштирилиб, 170 минг аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш янада яхшиланди, уларнинг транспортга кетадиган вақти ҳам ўртача 15-20 дақиқага қисқарди.

Сергели ер усти метроси ҳам фойдаланишга топширилса, бир кунда ўртача 35 минг нафарга яқин йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Бу эса Сергели ва Янгиҳаёт туманларида истиқомат қилаётган аҳоли учун ҳам катта қулайлик туғдиради.

— Болалигим Сергели туманида ўтган. Ҳозир ҳам ушбу тумандаги кўп қаватли хонадонларнинг бирда, Сергели метросининг 3-, 4-бекатлари яқинида истиқомат қиламан, — дейди фуқаро Дилафруз Қорабоева. — Янги метро йўналиши фойдаланишга топширилса, шаҳар марказидаги иш жойимга шахсий машинамда эмас, метрода қатнайман. Чунки ҳар куни эрталаб соат 07:00 дан 09:30 гача, кечга яқин эса соат 16:00 дан 20:00 гача автомобиль йўллари жуда тирбанд бўлади. Айни шу вақтда ишга бориб келишимга тўғри келади. Ноқулай об-ҳаво шароитида эса ҳаракатланиш янада қийинлашади. Натижада ҳар куни 2-3 соат вақтим йўлда сарф бўляпти. Метрода эса жуда қисқа вақтда, яъни 15-20 дақиқада манзилга етиб олишим мумкин. Ҳам арзон, ҳам қулай, ҳам хавфсиз. Шу боис, туманимизда барпо этилаётган ушбу замонавий транспорт турининг фойдаланишга топширилишини интизорлик билан кутяпмиз.

Бу Сергели ва Янгиҳаёт туманида яшовчи ҳар бир кишининг кўнглидаги гапи, десак янглишмаган бўламиз. Аҳоли ва автомобиллар сонининг кун сайин ортиб бориши қулай транспорт тизимига эҳтиёжни янада ошириб келаятган эди. Таҳлиллар Сергели янги метро йўналишининг ишга тушиши билан унинг 5-бекатидан йўлга чиққан йўловчи тўғридан-тўғри “Буюк ипак йўли” бекатига ўртача 30-40 дақиқада етиб бориши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун метро поездди 16 та бекатни босиб ўтади. Бошқа транспорт турида эса, айниқса, тирбандлик пайтида бунга вақт бир соатдан ошиб кетади. Яна бир қулайлик жиҳати, Сергели йўналишида ҳаракатланган поезд тўғридан-тўғри Чилонзор линиясининг “Олмазор” бекати орқали “Пахтакор” бекатидан “Ўзбекистон” йўналишининг “Алишер Навоий”, “Амир Темур хиёбони”дан эса Юнусободнинг “Юнус Раҳақий” бекати билан боғланади. Натижада ушбу йўналиш Тошкент метрополитенининг барча тармоқлари билан уйғунлашади, йўловчиларнинг барча метро бекатларига етиб боришларига имконият туғдиради.

Янги йўналиш иш бошлагач, кўплаб аҳоли шахсий транспортдан эмас, балки метродан фойдаланишни афзал билади. Ҳам арзон, ҳам тезкор. Натижада автомобиллар қатнови камайиши

Умумий қиймати 82,66 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳа “Боштранслойиҳа” акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланиб, ўтган вақт давомида қурувчилар томонидан 6,2 километр узунликдаги пўлат излар ётқизилди ва 5 та бекат қурилди. Сергели йўналишининг биринчи бекати Чилонзор йўналишининг “Олмазор” бекатига уланди. Қурувчилар томонидан ҳозиргача мавжуд 1, 2, 3, 4 ҳамда 5-бекатларнинг барчасида асосий қурилиш ишлари якунланиб, ташқи ва ички қисмларига сўнгги безак берилмоқда. Янги йўналиш бўйлаб метро поездлари бир неча бор синов тариқасида муваффақиятли ҳаракатланди.

туфайли Сергели туманини шаҳар маркази билан боғлайдиган йўлларда тирбандлик ҳам анча камаяди. Бинобарин, Тошкент шаҳрида йўл инфратузилмаси ва жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш бўйича бош режанинг дастлабки лойиҳасига кўра, пойтахтдаги 24 та йирик чорраҳанинг ҳаракатланиш тартибини мақбуллаштириш, бу орқали ўртача тўхташлар сонини 71 фоиз ва вақтини 48 фоиз, тирбандликни 64 фоиз, ёқилғи сарфини 34 фоиз камайтириш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Айни пайтда Тошкент метрополитенининг Сергели ва Олмазор йўналишидаги бекатларни пардозлаш ва улар атрофини ободонлаштириш ишлари якунига етиб борапти. Янги йўналиш бўйлаб метро поездлари бир неча бор синов тариқасида муваффақиятли ҳаракатланганини юқорида қайд этган эдик. Бунга қўшимча сифатида айтиш мумкинки, йўловчиларга хизмат кўрсатишда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилган замонавий метро вагонларидан фойдаланиш режалаштирилмоқда.

Халқаро ҳамкорлик

ҲИНДИСТОН БИЛАН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА



Шухрат СОДИҚОВ,
ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири

Ҳиндистон ахборот технологиялари соҳасида дунёда етакчи давлатлардан биридир. 2018 йилда давлатимиз раҳбарининг Ҳиндистонга таширифи мамлакатимиз ахборот технологиялари соҳаси келажаги учун муҳим воқеали бўлди. Бунинг икки мамлакат ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик йўналишлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Биринчи йўналиш сифатида 2019 йил июль ойида Ҳиндистоннинг Дастурий технологиялар парклари жамияти билан ҳамкорлик доирасида Тошкентда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ташкил этилганини эсга олиш жоиз. Республикаимизда халқаро тажрибани қўллаш, IT соҳада билим алмашиш ва шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида Ҳиндистондан эксперт жалб қилинди.

IT паркда бугунги кунда 400 га яқин корхона резидент ҳисобланади ва уларда 6 мингдан ортиқ мутахассис меҳнат қилади. Бу корхоналарга қатор имтиёзлар берилган, уларга ўз хизматларини экспорт қилиш учун барча шароит яратилган. Айни пайтда Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари мутахассислари учун замон талабларига жавоб берадиган 17 та IT шаҳарча қуриляпти.

IT парк фаолияти тобора кенгайиб, Андижон, Фарғона, Сирдарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида унинг филиаллари ташкил этилди. Келажақда бундай филиаллар юртимизнинг барча ҳудудларида бунёд этилади.

Бундан ташқари, IT парк негизида Президентимиз илгари сурган 5 та муҳим ташаббус доирасида жойларда 74 та Рақамли технологиялар ўқув маркази очилди. Кейинги йил охиригача республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида ана шундай марказлар фаолияти йўлга қўйилади. Бунинг натижасида ешларимиз ахборот технологиялари соҳасига кенг жалб қилинади, қўшимча иш ўринлари яратилади, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ҳокимликлар ходимларининг



IT паркда бугунги кунда 400 га яқин корхона резидент ҳисобланади ва уларда 6 мингдан ортиқ мутахассис меҳнат қилади. Бу корхоналарга қатор имтиёзлар берилган, уларга ўз хизматларини экспорт қилиш учун барча шароит яратилган. Айни пайтда Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари мутахассислари учун замон талабларига жавоб берадиган 17 та IT шаҳарча қуриляпти.

малакаси оширилади, пировардида республикамизда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни жорий этиш жараёни тезлашади.

Иккинчи йўналиш эса таълим соҳасидаги ҳамкорликдан иборат. Тошкент шаҳрида Ҳиндистоннинг Амрити университети ташкил этилиши нафақат ахборот технологиялари мутахассисларини тайёрлаш имконини оширади, балки

олий ўқув юртлари ўртасида кучли рақобат муҳитини шакллантиради. Университетда айни пайтда 800 нафарга яқин йигит-қиз таҳсил олмоқда. Унда ахборот технологиялари, компьютер технологиялари, иқтисодиёт, менежмент, туризм йўналишлари бўйича бакалавр ва ахборот технологиялари йўналиши бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Мазкур олийгоҳ пандемия шароитида кириш имтиҳонларини юртимизда биринчилардан бўлиб онлайн тарзда ўтказди. Қолаверса, карантин чекловлари даврида мамлакатимизда онлайн таълим жараёнини биринчилардан бўлиб бошлаб берган ҳам ана шу университет саналади.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари

университети ҳузурида Жавахарлал Неру номидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази ҳам ташкил этилган. Марказда ҳозирги кунга қадар 32 минг 800 нафар мутахассис малака оширди. Уларнинг 5 минг 100 нафари олий ўқув юртлари талабаси, 27 минг 700 нафари давлат ва ҳўжалар бошқаруви органлари, йирик компания, банк ва бошқа ташкилотлар ходимидир.

Халқимизни рози қилиш давлат бошқаруви, хусусан, давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилини камайтириш, фуқаролар муаммо ва муносабатларини тезкорлик билан ҳал этишда ахборот технологияларини кенг қўллашни тақозо этади.

Айни шу жараёнда маҳаллий ахборот технологиялари кадрларини тайёрлаш, вазирлик ва идоралар ходимларининг IT саводхонлигини ошириш чораларини кўриш асосий вазифаларимиздан бири саналади.

Ҳиндистон Электроника ва ахборот технологиялари вазирлиги билан ахборот технологиялари соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат дастурий маҳсулотлар тайёрлаш, электрон тижорат, электрон тўлов тизимлари, ахборот технологиялари соҳасида таълим ва тадқиқотлар олиб бориш, ақлли технологияларни жорий этиш, биг-дата, интернет буюмларни ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик алоқаларимизни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга оширишда “Рақамли Ҳиндистон” тажрибасини ўрганиш ва ундан амалда фойдаланиш режалаштирилган.

Келажақда ҳинд ахборот технологиялари компаниялари билан ҳамкорликда қўшма лойиҳалар, лабораториялар, кадрлар тайёрлаш бўйича онлайн ўқув тизимини кенг жорий этиш, стартап экотизим учун ҳинд сармояларини жалб қилишга қаратилган фаолиятимизни янада ривожлантиришни мақсад қилганмиз.



Адабиёт бу, Ҳамид Олимжон каби ёниқ қалб билан мунаввар туйғуларни тараннум этган адибларимизнинг улкан адабий меросидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2020 йил 12 декабрь, 240-сон

Тафаккур

“ЖАҲОН ФАЛСАФАСИ ҚОМУСИ” — ЯНГИ ДАВР МАҲСУЛИ



Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Фанлар
академияси академиги

Жаҳон майдонида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётган янги Ўзбекистонда илм-фан ва халқ маънавиятини юқори босқичга кўтариш, жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонун, Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қармони ва бошқа 50 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги янги босқичи илм-фан тизимидаги ёндашувларни тубдан ўзгартирди, **халқимиз ҳаётининг барча соҳалари қатори унинг тафаккури, онги ва дунёқарашига ҳам туб ўзгаришлар кузатилмоқда**. Бу ўринда, албатта, буюқ алломалар, атоқли файласуфлар, дунё илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган ва қўшаётган таниқли олимлар мероси, қомусий асарлари муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода, **Марказий Осиё мамлакатларида ўқшаши йўқ**, яқинда “Маънавият” нашриёти томонидан чоп этилган **2 жилдлик “Жаҳон фалсафаси қомуси”** алоҳида эътиборга моликдир.

Ушбу қомуснинг ўзига хос хусусиятлари қуйдагиларда яққол намоён бўлади.

Биринчидан, Ҳаракатлар стратегияси доирасида бу соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди, аниқ ижобий натижаларга эришилди. Президентимиз таъкидлагандек, **“Бизнинг энг асосий ютуғимиз — кўп миллатли халқимизнинг вужудга келаётган қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, уларнинг замонавий дунёқараш, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигининг юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, дахлдорлиқ туйғуси билан яшаётгани”**.

Давлатимиз раҳбарининг бу фикрлари фалсафанинг умуминсонийлиги ва миллийлиги билан боғлиқ тамойиллар, уларнинг бугунги жамият тафаккурида қандай акс этаётгани ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларимизнинг илмий-назарий асосларини мустаҳкамлаш, ғоя, қараш ва ҳулосаларимизни янгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Афсуски, собиқ иттифоқ даврида яқка партия манфаатлари устун қўйилгани, сохта коммунистик дунёқараш сингдирилгани боис, фалсафа деганда инсонни инсон, халқни халққа айлантирадиган, унинг кадр-қиммати ва ўзлигини англададиган, асрлар давомида бир бутун тизим сифатида намоён бўлиб келган серқирра ҳодиса эмас, балки ўта сиёсийлашган мафқуранинг маддоҳига айлантирилган кичик бир соҳа тушунилар эди, холос. Ҳолбуки, бундай юзак ва бир ёқлама ёндашув билан чуқур назарий ва амалий асосларга эга бўлган фалсафа феноменини

бутун мазмун-моҳияти ва қўлами билан англаб, яхлит ва тизимли асосда ўрганиб бўлмасди.

“Жаҳон фалсафаси қомуси” — да дунё фалсафасининг барча йўналишлари ва оқимлари, машҳур файласуфлар ҳаёти ва ижоди, фалсафа қонун ва категориялари, тушунча ва атамаларининг қисқа изоҳлари билан бирга, кўплаб Шарқ алломалари, жумладан, Марказий Осиё ва Ўзбекистонда етишиб чиққан мутафаккирлар, уларнинг инсоният тафаккурига катта таъсир кўрсатган асарлари, назария ва таълимотлари, ғоя ва қарашларига ҳозиргача мавжуд бўлган аксарият қомуслар ва лугатлардиган кўра, кўпроқ жой ажратилган.

Иккинчидан, дунёда фаннинг турли соҳаларига оид қомуслар кўп бўлса-да, фалсафа соҳасида бармоқ билан санарли. Қомуслар ва лугатлар яратиш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ушбу йўналишда Шарқ ва Ғарб фалсафаси, минтақамиз халқлари ва Ўзбекистондаги фалсафий тафаккур тарихи ва тадрижга нисбатан умуминсоний ёндашув асосида, ҳолисона ёзилган асарлар қамлиги, аммо фалсафий мавзу ва масалаларга турлича ёндашувлар, хилма-хил мазмундаги китоблар кўплигидан далолат беради.

Афсуски, ушбу соҳадаги қомусларнинг аксариятида Шарқ ва ислом фалсафаси, унга хос тушунча ва тамойиллар, таълимот ва назарияларга етарлича ўрин берилмаган. Марказий Осиё ва Ўзбекистон фалсафаси, бу ҳудуддан етишиб чиққан файласуфлар, уларнинг ижоди ва илмий меросига муносабатда ҳам ана шундай бир томонламалик кўзга ташланади.

“Жаҳон фалсафаси қомуси”да бундай кемтикликларга барҳам беришга ҳаракат қилинган, ғайриилмий бир томонламаликдан мутлақо фарқ қиладиган умуминсоний меzonлар ва ҳолислик тамойилларига таянилган.

Учинчидан, қомусга Шарқ, Ўзбекистон, ислом фалсафасига доир 1100 га яқин мақола киритилган ва бу, ўз навбатида, мазкур бебаҳо меросни янада кенгроқ акс эттириш имконини яратган. Жаҳон цивилизацияси ва фалсафа тараққиётига катта таъсир кўрсатган машҳур асарлар ҳақидаги 400га яқин мақолани тайёрлашда ҳам ана шу мезонга асосланган. Бу йўналишдаги мақолаларнинг 170 дан ортиғи Шарқ халқлари тафаккури ва ислом фалсафаси манбалари, Марказий Осиё ва Ўзбекистон алломалари асарларига бағишлангани ана шундан далолат беради.

Шу жиҳатдан, мазкур китоб жаҳон фалсафаси қомусшунослигида ҳозиргача мавжуд бўлган аксарият лугатларга ўхшамайди ва улардан тубдан фарқ қилади. Уни тайёрлаш жараёнида муайян минтақа ёки мамлакат, бирор-бир аллома ёки файласуф, муайян ғоя, оқим, йўналиш ёки фалсафий таълимотни мутлақлаштириш, бошқаларининг аҳамиятини камситиш ёки йўққа чиқариш ҳақиқатдан йироқ ва бугунги давр талабларига жавоб бермаслиги шубҳасиз эди. Аксинча, уларнинг барчасини ҳолис талқин этиш, фалсафа фани, унинг мазмун-моҳияти, жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, хилма-хил фалсафий оқимлар, файласуфлар ва уларнинг таълимотлари ҳақида тўғри ва илмий тасаввурни шакллантириш китобнинг бош мақсади ва ундан ҳай олган мақолаларнинг асосий мезони бўлганини эътироф этишимиз лозим.

Тўртинчидан, қомусга 4 мингдан ортиқ мақола киритилган бўлиб, улар 27 мингга яқин илмий маъна, чет эллик минглаб олим ва республикамиз мутахассислари асарлари асосида тайёрланган. Мақолаларнинг манбалари, фойдаланилган адабиётлар хусусида қомуснинг ҳулоса қисмида муфассал маълумот берилган.

Жаҳон фалсафасига доир дунёдаги энг катта қомуслардан бири ва Марказий Осиё мамлакатлари фалсафаси тарихида илк тажриба бўлган икки жилдлик ушбу китобда умумий ҳажми 334 босма табакдан



Ўзбекистон, ислом фалсафасига доир 1100 га яқин мақола киритилган ва бу, ўз навбатида, мазкур бебаҳо меросни янада кенгроқ акс эттириш имконини яратган. Жаҳон цивилизацияси ва фалсафа тараққиётига катта таъсир кўрсатган машҳур асарлар ҳақидаги 400га яқин мақолани тайёрлашда ҳам ана шу мезонга асосланган.

иборат мақолалар ва изоҳлар жамланган. Айна пайтда қомус ўзбек тилида, Ўзбекистон фалсафаси тарихида ҳам биринчи марта яратилган.

Бешинчидан, минтақамизда ва мамлакатимизда фалсафий фанлар бўйича қомус яратиш соҳасидаги илк тажриба бўлган мазкур китобда фалсафанинг инсоният яратган энг қадимий фанлардан бири, одамзод ҳаётининг илк даврларидан бошлаб унинг доимий йўлдоши бўлиб келаётгани, бу соҳада тўплаган ҳикматлар хазинаси, атоқли файласуфлар қондирган бой илмий мерос бутун дунё ҳам-жамиятининг маънавий қадриятлари тизимида муҳим ўрин эгаллашга алоҳида аҳамият қаратилган.

Қомусни тайёрлаш жараёнида жаҳон файласуфлари, айниқса, ватанимиз ҳудудида яшаган атоқли мутафаккирлар асарларида ҳар томонлама кенг ва чуқур ифодаланган методологик ёндашув ва назарий парадигмалар, илмий ҳулосаларга таянилган. Қомусга киритилган мақолалар маъно-мазмунига улар томонидан асослаб берилган ғоя ва ҳулосалар, фалсафий фикр ва мулоҳазаларни тўлиқ сингдиришга ҳаракат қилинган.

Олтинчидан, қомус Ўзбекистон фалсафаси, унинг энг қадимий замонлардан ҳозирги кунларгача бўлган тарихи, замонавий йўналишлари, ўзига хос хусусиятларини ҳам қамраб олган. Ўзбек фалсафасига доир мақолалар умумбаъшарий фалсафий тафаккур тадрижининг таркибий қисми сифатида баён қилинган. Бунда миллий фалсафамизнинг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари, истибод ва мустамлакачилик давридаги фалсафий кемтиклар, мустақиллик йилларида бу соҳада рўй берган ижобий ўзгаришлар ва янгилашларга алоҳида эътибор қаратилган. Китоб сўнггида мамлакатимизда XX асрда яшаган ҳамда ҳозирги даврда ижод қиладиган фалсафа ва социология фанлари мутахассислари ҳақида қисқа маълумотлар берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 400 дан ортиқ асар ва мақола муаллифи, таниқли файласуф олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Қиём Назаров томонидан тайёрланган ва нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё фалсафасида биринчи марта яратилган мазкур қомус мамлакатимиз ва минтақамиз ижтимоий тафаккури тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда асл фалсафани тиклаш, юртдошларимиз тафаккурини янгилаш, уларнинг маънавий оламни юксалтириш йўлида яратилаётган кенг имкониятларнинг яна бир амалий натижаси бўлган мазкур қомусни ўзига хос янгилик, янги Ўзбекистон маҳсули сифатида қабул қилиш лозим.



Ғайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раиси ўринбосари

Ҳамид Олимжон Ватанни бутун борлиги билан севган улкан ижодкор ҳисобланади. Мен доим шу улғу шоир ҳақида ўйлаганимда ҳаёлимда болалиқнинг нури ва беғубор дамлари жонланади. Инсон юрагида болалик аталмиш дилбар кунлар бир умрлик ўчмас из қолдиради. Уша дамлар хотираси киши онгу шуурини бир дам бўлсин тарк этмайди. Боболар ва момоларнинг айтган эртақлари, лапарлари, топишмоқ ва маталари ёдимизда муҳрланиб қолган. Мен ҳам болалигим ўтган гўзал қишлоқ — Ҳужайил-кони, унинг жаннатноманд манзаралари, айниқса, унинг адабиётсевар одамлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзлагим келаверади.

Нега шундайлигини эса изоҳлаб олмаيمان. Эҳтимол, бу киндик қоним томган жойга бўлган муҳаббатимдандир. Инсон кўнглида эса бу тахлит муаззам туйғулар шунчаки пайдо бўлиб қолмайди. Албатта, бунинг замини бўлади ва у аввало, маънавият, адабиёт, деб ўйлайман.

Адабиёт бу, Ҳамид Олимжон каби ёниқ қалб билан мунаввар туйғуларни тараннум этган адибларимизнинг улкан адабий меросидир. Мени ҳам болалигимдан Ҳамид Олимжон ижоди, шеърияти ўзига маҳлиё айлаган. Боболарим, момоларим устоз шоиримизнинг “Семурғ”, “Ойгул ва Бахтиёр”, “Зайнаб ва Омон” дostonларини қайта-қайта ўқиб берган. Бу эртақдаги қуйма сатрлар юракка чашма сувлари каби оқиб қиради. Ана шу гўзал мисралар буюқ сувлари каби тиник, шаффоф. Ташна дилнинг чанқоғини эса содда ва бетакорор, айна пайтда оҳанрабо, самимий сўзлар билан қондириш мумкин. Бизнинг кўнглимиз Ҳамид Олимжон шеърларига ҳамиша ташна бўлган. Такор-такор эшитиб тўямас эдик. “Ўқиш ва ёзишни ўрганганимиздан кейин эса Ҳамид Олимжон китобларини ўзимиз топиб ўқийдиган ва давраларда ёд айтадиган бўлдик.

Бу улғу шоирнинг ҳар бир сатри Ватан ҳақида сабоқ беради. Уни ўқиган одам бу улғу ва бепоён мамлакатни янада ўзгача меҳр ва муҳаббат билан севиб қолади. Ҳамид Олимжон мероси ана шундай сеҳрли ва қийматлирога бой шеърятдир. Ҳаётбахш туйғулар куйчаси, бетакорор шоир, драматург, олим, давлат ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида дунёга келган. Унинг илк шеърлари 1926 йилдан “Зарафшон” газетасида чиқа бошлади. “Қўқлам” номи илк шеърий тўплами 1929 йилда босилиб чиқди. Шундан сўнг “Олов сочлар”, “Пойга” каби шеърий тўпламлари нашр этилди.

У ўзининг “Дарё кечаси”, “Чирчиқ соҳилларида”, “Ўлка”, “Бахт” тўпламлари, “Икки қизнинг ҳикояси”, “Ойгул билан Бахтиёр”, “Зайнаб ва Омон”, “Семурғ” дostonлари билан овози ҳеч қимга ўхшамайдиган бетакорор ва беқиёс шоир сифатида соф инсоний қадриятларни тараннум этди.

Адиб ўзбек халқ оғзаки ижодининг ажойиб дурдона асари “Алпомиш” дostonини ёзиб олиш ва нашр этиш ишларига бошқош бўлди. Бу билан у ўзбек халқ оғзаки ижоди меросини сақлаб қолишдек улғу ва савобли ишни адо этиб кетди.

Ҳамид Олимжон ҳақиқий элпарвар, адабиёт фидойиси сифатида буюқ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг 500 йиллигини тантанали, юксак савияда ўтказишга катта ҳисса қўшди. Мазкур тадбирни ўтказиш қўмитаси аъзоси сифатида улғу шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан илмий-адабий тадқиқот ишларини олиб борди. Бу билан у катта ташкилотчилик ва илмий салоҳиятини номоён этди.

У 1939 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари лавозимида масъулият билан фаолият олиб борди. Бу каби сермахсул улғу ишларни, катта адабий меросни ўзининг 35 йиллик ҳаёти давомида амалга оширди.

Унинг сермахсул ижоди ҳақида сўзлаганда бир-биридан гўзал шеърлар, дostonлар ҳаёлимиздан ўта бошлайди. Кўпчилик дастлаб афсонага айланган “Ўзбекистон” шеърини, ундаги ўта самимий, дилбар сатрларни ёдга олади...

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда...



Бу юртни яёв кезиш киши кўнглини ажиб ҳисларга ошён этади. Шоирнинг мисралари юрагингни шуълалантириб юборади.

Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин.
Қорли тоғлар турар бошида,
Гул водийлар яшнар қошида.
Чор атрофга ёйганда гилам,
Асло йўқдир бундайин кўқлам.

Кўз ўнгингизда бутун мамлакатнинг беқиёс табиати бор гўзаллиги, таровати билан номоён бўлади. Гўзал ўхшатишдан пайдо бўлган образ — хушсурат келинчак кокиллари ювиб турган дарёлар, ўлканнинг қорли тоғлари, гул водийлари васфи қалбингизни ҳайратлантириб юборади. Ҳайрат ва ҳаяжон уйғотган сатрлар эса сизнинг бир умрлик ҳамроҳингизга айланади.

Шоир қалбига бу каби туйғулар ўз-ўзидан келиб қолгани йўқ. У бу мисраларни ёзгунга қадар эл-юрт орасида юриб ҳикоялар тинглаган, шу жафокаш ва меҳнаткаш элнинг ҳаётини кўрган ва ўрганган. Буюқ халқнинг фарзанди, шоири сифатидаги ҳулосалари бетакорор мисраларга айланган.

Бунда булбул китоб ўқийди,
Бунда қуртлар ипак тўқийди.
Бунда ари келтиради бол,
Бунда қушлар топади иқбол.
Ишончим комил, бу юртга ва миллатга садоқат билан хизмат қилинса, унга иқбол ёр бўлади. Шоирнинг сўзлари киши кўнглига ана шундай ёруғ туйғулар бағишлайди. Мана бу мисралар эса гўёки шоирнинг дуоси янглим юракларда акс-садо беради.

Ҳамид Олимжон ҳақиқий элпарвар, адабиёт фидойиси сифатида буюқ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг 500 йиллигини тантанали, юксак савияда ўтказишга катта ҳисса қўшди. Мазкур тадбирни ўтказиш қўмитаси аъзоси сифатида улғу шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан илмий-адабий тадқиқот ишларини олиб борди. Бу билан у катта ташкилотчилик ва илмий салоҳиятини номоён этди.

Шундай ўлка доим бор бўлсин,
Шундай ўлка элга ёр бўлсин.

Миртемир домла дилбар шоирнинг иқтидори, ҳеч қимчикига ўхшамаган услуби, овозидан таъсирланиб ёзган: “Ҳамид Олимжон тўғма ва нодир талант эди. Унинг қониди, ўзлигида, кўз қорачиғида, тўқсон икки томирида тўғма бир зукколик, шоирона бир сажия, билгичлик, бурролик, нурбахшлик, ёрқин қалб ва адаб аён”. Кўплаб адабиётчилар, мунаққидлар унинг ижодини шу каби юксак баҳолаган, қадрлаган.

Катта истеъдод соҳиб Ҳамид Олимжоннинг бой ижодий мероси адабиётимиз тарихи саҳифаларидан мангу ўрин олди. Шоир шахси ва ижоди эса авлодлар учун улкан мактаб бўлажак.

Президентимиз ташаббуси билан Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби ташкил этилди. Бугун бу илм даргоҳи кўплаб истеъдодларни ўз бағрига олиб билим ва тарбия бермоқда. Шунингдек, Жиззах шаҳридаги тарихий Ҳўжа Нуриддин мадрасасида Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида музей ташкил этилди.

Ҳаётда ҳам, ижода ҳам ҳамроҳ бўлган икки улкан ижодкор хотирасига Жиззах шаҳрида ва пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган Адиблар хибониди муҳташам ҳайкал ўрнатилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Ҳамид Олимжоннинг танланган асарлари, шунингдек, “Сўз чамани” лойиҳаси билан шеър китоби нашр этилди. Буларнинг барчаси Ҳамид Олимжон шеърияти биз билан ҳамиша ҳамроҳ ва ҳамнафас эканлигининг ифодасидир.

Халқимизнинг суюкли шоири, катта қалб эгаси ҳақида айтадиган сўзларимиз бисёр. Аммо шу ўринда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухторнинг Ҳамид Олимжон ҳақида ёзган мисраларини ёдга олдим:

Эрталабдан бугун руҳим синик,
Осмонда куёш ҳам бир зум кулмади.
Юрак сикилади...
Аммо эртасига
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.
Эсимда, ёш эдим,
Севган қизим... кетди.
Кўз ўнгимда қадди, гулгун қўйлагин...
Бош эғиб юрардим...
Бир қуни яна
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.
Бари ўтар экан, биз ҳам ўтармиз,
Ҳеч қим осмонга устун бўлмайди.
Ўшанда ҳам
Ғуссаларни енгиб,
Ўрик оппоқ бўлиб гулдади.

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бюуртма — 3418.
41787 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

*“Kolorpak” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳих: Мафтуна Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 23:50 Топширилди — 01:05

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўёнлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru